



Ishonch

Моҳият

Бизнинг мақсади- миз барқарор ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланган хусусий секторни микроолиялаштириш, энергетика, йўл қурилиши, таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақамлашдан иборат.

Харухико КУРОДА

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҚБАРЛАРИНИНГ 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА М У Р О Ж А А Т И

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар халқлари 2010 йил 9 майда совет халқининг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозongan Ғалабасининг 65 йиллигини нишонлайди. Совет Иттифоқининг кўп миллатли халқи ва Куролли Кучлари мисли қўрилмаган даҳшатли урушда ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилди, дунёнинг кўплаб мамлакатларини фашизм зулмидан озод этди.

Халқларимиз фронтда ва фронт ортида фидоийлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва бирдамлик фазилатларини, мислсиз матонатини намойиш этдики, буларсиз ғалабага эришиб бўлмас эди. Бундай матонатни, ғалабага бўлган бундай ишонч-иродани тарих кўрмаган.

Йиллар ўтса-да, халқларимиз кўрсатган буюк жасорат қалбимиздан ўчмайди. Вақт ўтган сайин келажак учун мардонавор курашган, буюк Ғалабага эришган солдатларнинг тарихий миссиясининг аҳамияти шу қадар теран намён бўлаверади. Шу муносабат билан Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилар эканмиз, бугунги дорилмон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларга ташаккурлар айтамыз. Биз урушда ғалаба қозongan инсонларни нафақат сўз билан, балки амалда хурматини бажо келтиришга, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фидоийлар ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга, уларга эътибор бериш ва муносиб турмуш шароитларини яратишга чақирамыз.

9 май — Ғалаба кuni биз учун адолат, фахру ифтихор тантанаси ва ушбу мисли қўрилмаган даҳшатли урушда қурбон бўлган миллионлаб марҳумларни хотирлаш кuni бўлиб қолади. Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларнинг номи муқаддас ва қадридир. Биз ўз жонини қурбон қилиб, Ватанини, демок, бизнинг озодлигимизни ҳимоя қилганлар олдида ҳамиша қарздормиз.

Дунёни фашизм балосидан қутқарган солдатлар ва фронт ортида меҳнат қилганларнинг қаҳрамонлигини ҳеч қачон унутмаймиз. Шу сабабли ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар хотирасини ҳурмат билан ёд этишга, ҳарбийлар қадрлари, меъморий комплекслар ва ёдгорликларни, шунингдек, партизанлар, махфий кураш олиб борганлар ва фашистлар лагерлари маҳбустларининг қадрларини асраб-авайлаш ҳақида доимо ғамхўрлик кўрсатишга, Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчилари қўлида қурбон бўлган ҳарбий ва тинч аҳоли хокини топиш ишларини фаоллаштиришга даъват этамыз.

Бу Ғалаба барчамизники ва фашизмга қарши курашганлар жасорати олдида бош эгамиз. Фашизмга қарши коалиция бўйича иттифоқдошларимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини, бизга берган ёрдамини ҳеч қачон унутмаймиз. Бироқ бу урушнинг энг катта ва асосий воқеалари совет-герман фронтларида содир бўлган. Мамлакатларимиз уруш йилларида ўн миллионлаб фуқароларидан айрилган. Уруш қурбонлари орасида барча миллат вакиллари бўлган.

Давлатларимиз халқлари ушбу буюк Ғалабага улкан ҳисса қўшганини инобатга олиб, ўсиб келётган ёш авлод қалбига умумий қаҳрамонона тарих ва фашизмга қарши курашда кўрсатилган буюк жасорат учун фахрланиш ҳиссини тарбиялашга чақирамыз.

Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари, БМТ Низоми ва Хелсинки Яқуний ҳужжати қойдаларига содиқлигимизни тасдиқлаган ҳолда, дунёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида фаол ҳамкорлик қилишга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтиришга, мавжуд зиддиятларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга даъват этамыз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси эртага — 2010 йил 7 май кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2010 йил 6 май кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

Нуронийлар ҳамиша эъзозда



9 май — Хотира ва қадрлаш кuni арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уруш қатнашчилари ва ногиронларига «1941-

1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти тантанали тарзда топширилмоқда. Ана шундай тадбирдан бири пой-

тахтимиздаги Миробод туманида бўлиб ўтди. Суратда: тадбирдан лавҳа. Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кенг миқёсда текширувдан ўтказилди.

2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжумалари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натихада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Шу билан бирга, текшириш якуниларига кўра бир қанча жиддий нуқсон ва камчиликлар аниқланди.

Фойдаланишга топширилган болалар спорти объектлари, айниқса алоҳида жойлашган объектлардан ҳали етарлича самарали фойдаланилмаётти, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётти. Эскирган спорт анжумалари ва ускуналари янгилаш ҳамда алмаштириш ўз вақтида таъминланмаётти. Барпо этилган сузиш ҳавзалари имкониятларидан паст даража-

да фойдаланилмоқда. Болалар спорти объектларини тренерлар, айниқса хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш ишлари етарлича олиб борилмаётти. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шундай ҳоллар мавжуд.

Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга аввало Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари суи олиб борилмоқда. Қизларни, айниқса қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасидаги ишлар ҳали-ҳамон қанчалик аҳолининг болалар спорти объектларини фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини кенг миқёсда текширувдан ўтказган махсус комиссиянинг ҳулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ун кун мuddатда республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган минтақавий филиаллари Хомийлик кенгашиларининг мажлисларида текшириш натижалари танқидий муҳокама қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

Харухико КУРОДА:

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Халқаро бизнес-марказда Осийё тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 1-4 май кунлари Тошкентда ўтган 43-йиллик мажлиси якуниларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Осийё тараққиёт банки президенти Ўзбекистон раҳбариятига ОТБнинг Тошкентдаги форуми юксак савияда ташкил қилингани ва уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилгани ҳамда тадбирнинг самарали ўтишига ёрдам бергани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлисида Осийё-Тинч океани минтақасида мамлакатларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инкироридан самарали чиқиши ва инкирордан кейинги ривожланиши билан боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ мuddатларга мўлжалланган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шу мақсадда минтақанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, унинг глобал иқтисодий бошқарувга, минта-

қавий интеграцияни кенгайтиришга ҳисса қўшиши учун зарур чораларни кўриш лозимлиги ҳамда бу жараёнлар ОТБ томонидан бундан кейин ҳам қўллаб-қувватланиши таъкидланди. ОТБ томонидан ишлаб ўтишига ёрдам бергани учун дастури айна ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Барқарор иқтисодий ривожланишга бевосита дахлдор бўлган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва қўйи энергиясидан янада кенг фойдаланиш мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалар сирасидандир.

ОТБ президенти Уза мўхбири саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон иқтисодиётига инкирор бошқа қўллаб давлатларга қараганда кам миқёсда бўлса-да, таъсир кўрсатга-

нини таъкидлади. Мамлакат раҳбарияти иқтисодий ривожланишга инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, солиқ ва молия сиёсатини тақимлаштириш, иқтисодий диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш, экспортга йўналтирилган секторни қўллаб-қувватлаш, ички бозор ҳамда инфратузилмани, шунингдек, иқтисодий соҳани мустақамлаш борасида ўз вақтида чора-тадбирлар кўрди.

Умуман, Ўзбекистон глобал инкирорга гоят ишончи тарзда қарши турди. Айна шу боис миллий иқтисодийёт жаҳон инкирори сабабли юзага келган вандизятдан тез ва самарали чиқишга эришди. Натихада иқтисодий ўсиш сақлаб қолишда ва бу кўрсаткич 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди. ОТБ прогнозларига кўра, 2010 йилда иқтисодий ўсиш 8,5 фоизга етиши мумкин. Бу минтақадagi энг юқори кўрсаткичлардан бири

ҳисобланади ва келаси йили 9 фоизга етиши мумкин. Бу қўллаб-қувватлаш табиий натижадир, деб таъкидлади Х.Курода.

Осийё тараққиёт банки президенти, шунингдек, ОТБ Марказий Осийё мамлакатлари билан транспорт, савдо ва энергетика соҳасида минтақавий ҳамжиҳатликни кенгайтириш борасида ҳамкорликда иш олиб бораётганини маълум қилди. Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши бундай самарали фаолиятнинг ёркин мисолидир. Мазкур зона йирик минтақавий транспорт ва савдо марказига айланши учун улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минтақадagi транспорт алоқасини яхшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасидаги савий-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашнинг давом эттиришимиз, деди

ОТБ Ўзбекистон билан узоқ мuddатли ҳамкорлик асосида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришларни кенг қўллаб-қувватламоқда. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида имзоланган янги кредит битимларида Ўзбекистоннинг муҳим тармоқларида амалга ошириладиган умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қатор лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз барқарор ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланган хусусий секторни микроолиялаштириш, энергетика, йўл қурилиши, таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақамлашдан иборат, — деди ОТБ президенти Харухико Курода.

Анна ИВАНОВА, Уза мўхбири

Ёшлар ишли бўлади

Олтинсой туманидаги «Марказ» маҳалла фуқаролар йиғинида 7 гектар майдонда қурилиши ва ободонлаштирилиши ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ерда қишки ва ёзги тўйхона, маиший-хизмат кўрсатиш шохобчалари, 60 ўринли меҳмонхона, қурилиш материаллари ва спорт анжумалари дўкони, стоматология бўлими каби бир қанча иншоотлар қурилади. Натихада 500 нафардан ортиқ ёшлар учун иш ўринлари очиларди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мўхбири

«Сиз қонунни биласизми?»

Танловда иштирокчиларнинг ҳуқуқий билими синовдан ўтказилди. Улар савол-жавоб, сахна кўриниши, сардорлар беллашуви каби шартларда билим ва кўникмаларини намойиш этишди.

Қизгин баҳслар якунига кўра, академик лицей жамоаси биринчи, 1-енгил

саноат коллежи жамоаси иккинчи ва миллий унвормандчилик коллежи жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Фолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ Марғилон шахри

Янги кун янгиликлари

«Бўстон» чинчилари

Қизилтепа туманидаги «Бўстон ёш-сер-век» хусусий корхонасида чинни буюмлар ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

Бу ерда Россиядан келтирилган ускуналар ёрдамида бир кунда 1000 та пиёла, шунча коса, 50 та чойнак, 100 та лиқочча ишлаб чиқарилмоқда. Буюмлар сифати, бежиримлиги ва миллий нақшлари билан харидорларни жалб этаёттир.

Айни пайтда цехда 30 та янги иш ўрни яратилди.

И. ХОЛБОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда) 2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарлари тегишли даражадаги аниқланган камчиликларни бартараф этиб юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсинлар, бунда мазкур ишлар тизими, мунтазам асосда ўтказилиши лозимлиги назарда тутилсин. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин. 3. Ишга туширилган болалар спорт объектларидан самарали фойдаланиш биринчи даражадаги вазири бўлган мақсадларга эришиш тўлиқ даражада мазкур вазири амалга оширишга боғлиқдир. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, таълим органларининг, республика ва вилоят спорт федерацияларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мазкур иш учун жавобгар бўлган бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятига болалар спорт объектларидан фойдаланишнинг ҳолатига қараб баҳо берилсин. 4. Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим меzonлари этиб қўйиладиган белгилансин: биринчидан, спорт билан шуғулланишнинг оммавийлиги — умумтаълим мактаблари, касб-

хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишига қараб олиниши даражасининг ўзгариши; иккинчидан, ўрнатилган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, болалар спорт объектларининг спорт ускуналари ва анжонлари билан жиҳозланиши даражаси; учинчидан, болалар спорт объектларининг, тасдиқланган нормативларга мувофиқ, таълим муассасаларида юқори малакали, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари, шу жумладан хотин-қиз тренерлар билан таъминланганлиги; тўтинчидан, спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — сутка ва ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар соати миқдори, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар; бешинчидан, спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етишиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари сони. 5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалар субъектлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органларининг иловага мувофиқ алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини Халқ таълими вазирлиги органлари балансида топшириш, уларнинг зиммасига мазкур объектларни бундан кейин тегишли даражада сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик юклатиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,

таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг раҳбарлари зиммасига болалар спорт объектларининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланиши устидан назоратни кўчатирилсин. Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланиши устидан назоратни кўчатирилсин. 6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда спорт секциялари ва тўғрақларидан машғулотлар жадалларини мақбуллаштириш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало, бадий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига болалар спорт объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар. 7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги: болалар спорт иншоотларининг тренерлар билан таъминланганлигини таъминлаш бўйича қилиши натижалари бўйича уч ой муддатда болалар спорт объектларини тасдиқланган шарт шартлари мувофиқ малакали тренер кадрлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, қўшимча болалар спорт объектларини хотин-қиз тренерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин; Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда базавий олий ўқув юрталарининг жисмоний тарбия факультетлари неги-

зида тренерлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилсин, ҳар бир тренер камида 2 йилда бир марта шу тизимдан ўтадиган бўлсин; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда мутахассис тренерларнинг тарбияланувчилари спорт маҳоратига эришганлиги, республика ва халқаро мусобақалардаги чиқишларининг самарадорлиги учун улар меҳнатини рағбатлантиришни кўчатириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин. 8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда болалар спорт объектларининг спорт анжонлари ва ускуналари билан жиҳозланишнинг батафсил инвентаризацияси асосида ишлаб чиқилган нормативларга мувофиқ уларни янада тўлиқ жиҳозлаш, эскирган ашёларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш бўйича аниқ тақлифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Спорт турлари бўйича республика федерациялари Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларда, тизимли асосда болалар спорт иншоотлари негизда республиканинг етакчи спортчилари, Олимпияда ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақалар чемпионлари ҳамда совриндорла-

ри иштирокида кўргазмалар маҳорат сабоқлари ўтказилишини ташкил қилсин. 10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар, ҳўжалар билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 сентябргача болалар спорт объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис кўпқатли, бадий ҳамда спорт гимнастикаси учун спорт ашёларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ишлаб чиқариладиган спорт товарларининг, шу жумладан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин. 11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жойлардаги болалар спорт объектларини сақлаб туриш, анжонларни янгилаш, шарт жадалига риоя қилиш, тренер-мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли ҳамда қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин. Айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка биноан қатъий жазо чоралари қўлланилсин. 12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2010 йил 5 май И.КАРИМОВ



Республика Президентининг 2009 йил 21 майда қабул қилган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали, шаҳар ва туман тиббий ёрдам бirlashmalari томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали таркибиде марказий тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда 4 та бўлими мавжуд. Марказий тез тиббий ёрдам бўлими барча қулайликларга эга бўлган янги 19 та санитар автотранспорти, замонавий алоқа воситалари, зарур дори-дармон ҳамда боғлов материаллари билан таъминланган.

Суратларда: Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали таркибидеги марказий тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Зулфия Ҳолиқова; янги санитар автотранспортлар шаҳар аҳолисига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар



Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

Кўпқари гурунглари Эссе (Боши ўтган сонларда) КЕКСА ЧАВАНДОЗ ХУЗУРИДА 1 Кечаси тўйиб ҳордиқ чиқармаган бўлса-да Абдусалом домланинг уйқуси сергак экан. Биз ўрнимиздан туриб, нонушта қилганимизча у Жўрабой домланинг ўғиллари билан икки эшак, бир байтални етаклаб келди: — Бўлди энди, нонушанинг қолганини Терсоқарда қилармиз, — деди бизни шойилтириб. Сўнгра Абдусалом домла хангисини йўрттириб олдинга тушди. Йўл бўйи қўш хўжизга омон тақиб ер ҳайдаётган йигитларга дуч келди. — Ҳорманг, Садидой, қўшиниқизга Деҳқонбобо барака берсин! — Раҳмат, домла, умру-жониниқизга барака берсин! Абдусалом домланинг гурунглидан тоғликлар турмуш тарзидан бир чимдимини англаб олдиқ, бу атроф одамлари баҳоли-қудрат икки-уч гектар майдонни тошлардан тозаллаб ер очишар, эрта баҳорда омон билан бугдой, арпа, мош ва бошқа экинларни экишар экан. Тоғликлар хирмонининг баракаси йил серёгин келишига боғлиқ экан. Қуллар исиб кетгандан сўнг дераги барча оилалар қўй-эчкилари, қорамолларини суриб тоғ ёнбағирларидаги арчазорлар орасига қўйиб чиқараркан. Йўл бўйи Абдусалом домла зерикчишимизга йўл қўймайди, гоҳ олдимиздан чиққан кишилар билан суҳбатга кириб, уларга қисқа таъриф берса, гоҳ қизқарли хангомалардан олади. Дуб қишлоғи ортада қолганидан сўнг тошлоқ йўл бошланди. Изма-из тоғ-дара, ўнқир-чўнқир сўқоқларидан ўтар эканмиз, у киши ширали овоз билан Маъмуржон хофизнинг «Суратинг» кўшигини куйлади. — Домла, овоздан ҳам берган экан, нега хофиз бўлмадингиз? — сўраймиз қизқисиниб. — Э-э, бир вақтлардаги қизқичасорати бу, институтда таҳсил олган пайтларим кимсан Улмас Саиджонов билан бир тўғраққа қатнашганман. Аммо ота-онанинг қўли юлқалиги учун орзу-хавасларни йиғштириб, ўқидан кейин ишлашимга тўғри келган. Агар хофиз бўлиб кетганимда бугун сизларни ким етаклаб юрарди? — ҳазил аралаш жавоб қайтаради у. Абдусалом домла кўк тупроқли йўлдан ўнгирга ўнгирга бораётганимизда чап томонимиздаги баланд тоғлар ён бағридаги майдон томон қўлини сермади: — Кўкўтал кўпқари майдони шу, бу майдон қанча давраларни бошдан кечирмаган, қанча чавандозларнинг мардона ҳайқирликлари янграмаган бу ерда. — Нега бу ер Кўкўтал деб аталади? — Эътибор беринг, майдоннинг бир томонини чўққилар эгаллаган, кўпқари бўлганда у ёқдан сурхонликлар, боғучорбоғу овжинликлар тушиб кели-

шади. Қолган уч томондаги Дуоб, Терсоқар, Дегморон, Янгиқишлоққа бориб туташадиган сўқоқлар эса кўк кўталли (тупроқли маъносиде) бўлгани учун шундай ном берилган. Кўкўтал нишаблгидан пастга энаётганимизда Абдусалом домла қутилмаганд: «Ҳой, кўзинга қара, меҳмонларнинг улловини ҳуритиб қўясан», — деб кимгадир бақирди. Ортимиздан туёқнинг зарб билан ерга урилгани эшитилиб, биз кўркўв аралаш эгарнинг қошини чангаллаб бораётганимизда 9-10 ёшлардаги оқсарикдан келган болақай эшагини халачўп билан савалаб ёнимиздан ўтиб кетди. — Кўп шайтон бола чиқди Барот чавандознинг набраси, — тушунтириш берди Абдусалом домла. — Ҳақиқий чавангонлар шундай болалардан чиқади. У ер-бу ердаги уйлар орасидан ўтиб, баланд ялангликдаги кўрмисизгина икки хона, ўртаси айвонли уй ёнига келиб тўхтадиқ. — Ҳой, ким бор, меҳмон олмайсизларми? — бақирди йўлбошловчимиз баланд овозда. Кийиз, гиламларни офтобруйга ёяётган ўрта ёшлардаги чечангина аёл истикболимизга юрди: — Меҳмон бўлса, бош устига. Пасткамгина уйдан соч-соқоли оқарган чол чиқиб келди. Бир зум бизни синлаб турди-да: — Абдусаломбоймисиз, нега улдовдан тушмаяпсиз? — деди. — Катта шаҳардан меҳмонларни олиб келдим, сизни китоб қилишармиш, — ҳазиллашди шеритимиз. — Менинг нимамни китоб қилишарди, қани уйга тортинглар-чи. Абдусалом домла бизни уй эгаси билан таништирди: — Имомберди бобо ҳам вақтида улоқ қопган, Бойтўра чавандознинг авлодларидан, лекин отни билишда кўпчилик бу кишига тенг келолмайди. Даврамизга Имомберди бобонинг ҳамсояси — Турдиали домла келиб қўшилди. Биз Бойтўра чавандоз ҳақида Жовли, Холмат домлаларнинг ҳикоялари асосида ёзилган битикларни ўқиб бердик. — Барака топишсин, иккаласи ҳам ўзимиздан, лекин Бойтўра амаким ҳақида мендан ҳам яхши гапириб беришибди. 2 — Бойтўра амаким Кичкўрадаги энг сара отларни миниб улоқ чопарди, у пайтлар биз эндигина мўйлов сабза ура бошлаган ўспирин эдик. Кўпқари мавсуми бошланди дегунча амакимнинг эшиги от мухлислари билан тўлиб кетарди: «Чавандоз, бизнинг оти ҳам кўпқарида минсангиз», «Отимнинг зоти тоза, боқимининг ками қолмаган, фақат сиздек бир чавандоз етишмай турирди», «Келгуси кўпқарида отимни синовдан ўтказиб беринг...». Амаким эшигидан нажот сўраб келганларнинг кўнглини қолдирмас, ҳар бир отни синовдан назаридан ўтказгандан сўнг: «Сизнинг отингизни фалон-чининг кўпқарисиде минаман», «Боқувиде озорқ ками қолибди, тагин беш-ўн кун емидан қисманг, кейин етилади», «Сиз отингизни фалон қишлоқдаги кўпқарида олиб боринг, уша ерда учрашамиз», — деб жавоб қайтарарди. У киши жуда сингир эди, отни яхши биларди. Уша пайтлар амаким кўпроқ чавангонман деганинг кўзини қувнатган ҳарибулоқлик Мулло Эгамнинг Турки, чўқурлилик Шоймардон оқсоқолнинг Жайрон отларида кўпқари чопарди. Унинг чағдастлигидан бошқа чавандозларга нон қолмаганидан сўнг навбатдаги кўпқари якунида янгиқишлоқлик Мулло Бекмурод охун: — Оғайнилар, бундан кейин ҳамма чавандоз ўз қишлоғининг отида кўпқари чопсин, — деб тақлиф киритди. Бу гап бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Кўпқаридан ўн беш-ийгирма отлик бўлиб қайтар эканмиз, шерикларимиздан бири: — Энди нима бўлади, қишлоғимизда Қулай Азизнинг Буччасидан бошқа чавангон от йўқ? — деб қолди. — Бир гап бўлар, чавандозга от чикора, — деди Бойтўра амаким. Терсоқарга кириш жойида олдимиздан отам — Омон оқсоқол чиқди: — Нима гап, йигитлар? Орамиздан чечанроғимиз тўйда бўлган воқеаларни айтиб берди: — Оқсоқоллар Мулло Бекмурод охунни маъқуллаб фотиҳа ўқишди. — Шунга шўнчаликми? Бойтўра, сен хавотирланма, Қулай Азизнинг Буччаси (думи қалта дегани) ёмон от эмас, шунингдек, Назар Эшонқулда, Улаш

бобода, менда биттадан дўнон бор. Келгуси кўпқарида Буччаи 2-3 совринга, дўнонларни навбати билан биттадан совринга минсангиз олам қиличинг, — деб далда берди отам. Сингир отамнинг кўрсатмасига амал қилган Бойтўра ака турли қишлоқларда бўлиб ўтган кейинги уч кўпқарида олдингисидан ҳам кўпроқ зот айирганидан сўнг оқсоқоллар фотиҳасидан қайтишга мажбур бўлишганди. 3 Имомберди бобо ширин хотиралар қатини қавлашда давом этди: — Чавандозлик авлоддан-авлодга ўтади, вақтида Бойтўра амакимнинг отаси Раҳимқул бобомиз ҳам кўпқари чопган экан. Бундан саксон-юз йиллар илгари Кичкўрадаги қишлоқларнинг эркалари яқин кишилари вафот этганда кўк салла ураб, кўк яқтак кийишар, тўйларга боришмас экан. Бир гап аздор бобомиз Фўзордаги кўпқари устидан чиқибди, жинхўрлиги тутиб, «бу ерда мени ким танирди?» деган ҳаёлда эгнидаги кўк салла, кўк яқтаги билан кўпқарига қиришга чоғланибди. Раҳимқул бобонинг юраги катта бўлган, билгидаги кучини ичига сиғдирилмаган, кўпқарига кирганда истаган зотини ўзиники қилган. Ҳали кўпқари бошланishiга анча борлигига қарамадан мол боғлаш учун майдон четига кўкан қоқиб юрган гагати кийимдаги нотаниш кишини қуриб одамлар сўрашибди: — Ҳа, меҳмон, ниманинг тадориги? — Кўпқаридан айирган молларимни боғлайман. — Олдин зотни ҳалолланг, кейин бир гап бўлар, — дея унинг устидан кулишибди. Раҳимқул бобо одамларнинг гапига пинагини ҳам бузмай, отининг эгар-жабдуқларини сошлаб кўпқарига кирибди. Бирин-кетин бошқаларга дов бермай ўн икки зотни айирган, кўканларни қўй-эчкига тўлдирган нотаниш чавандозни давра бақовули ёнига чорлаб дебди: — Ҳой, кўк салла, сенам озорқ оёғингнинг чигилини ёзиб, дамингни ол, бу ердаги барча зотни бир ўзингники қилмоқчимсан? Бақовули тўй эгалари қўлаб-қувватлашибди, бундан жаҳли чиққан Раҳимқул бобомиз кўканди молларни шу ердаги фақир-бечораларга тарқатиб берибди: — Майли, кўпқарига кирмасам кирмабман, аммо охириги така меники бўлади, — дебди у бақовулга эшиттириб. Яхши биласизлар, кўпқарида охириги солимга чопилаётган таканинг ўзи зот ўрнига ташланади. Бу соврин чавандозлар ёнунг энг обрўли саналади. Эл оқсоқоллари кўзга кўринган чавангонларнинг ичидеги чорлаб: — Кўк салла охириги солим меники бўлади деганти. Юракларингизда гужур бўлса унинг такани айиришига йўл берманглар, — деб тайинлашибди. Аммо кўк салла ўраганини юзига солишгани учун юраги тўлиб турган бобомиз охириги солимга такани тақимига босиб, отини қамчилаганча даврани тарқ эттибди. — Ҳалоли бўлсин, зўр, хислатли йигит экан, зотни зот демай одамларга бўлиб берди, сўзининг устидан чиқди, — оқсоқоллар отлик нуқтага айлана кўздан гоийб бўлгунча уни ҳавас билан кузатиб қилишибди. Қишлоққа қайтиб келган Раҳимқул бобо эл оқсоқолларига: — Фўзорда менинг кўк саллам билан кўк яқтагимни юзимга солишди, энди бу одатдан воз кечайлик, — дебди. Ушандан кейин Кичкўрада аздор эркаларнинг кўк кийиши урфдан чиқарилибди. 4 — Ўзингиз ҳам кўпқари чопганимизми? — сўраймиз ёши тўқсонни қоралаб қолган бўлса-да миқтигина, ҳушбичим гавдасини тик тутиб ўтирган отахондан. — Бизми, куч етганча чопганимиз, тоғликнинг кўпқари чопгани борми, болам? Аммо ёшлигимда ҳам жуссам кичикроқ эди. Эндигина йигирмага кирганимда чавандозларга эргашиб, тоғ охири Боғучорбоққа тўйга бордим. Одамлар от устидеги миқтигина гавдамни қуриб, даврабوشимизга ҳазиллашдилар: — Мана шу болача ҳам кўпқарига қирадимми? — Омон оқсоқолнинг ули бу, кучини даврага чиққанда кўрасизлар. Рости, мезбонларнинг менсимгани иззат-нафсимга теғди. Одам номусор учун талашмасин экан, шундай вазиятга тушса томирдаги қони жўш ураркан. Уша кун Боғучорбоғнинг атоқли чавандози Эгамберди полвон ердан

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Касаба уюшмасида ишловчи фаолларнинг жамоадорлар дарду йилари билан юришдек ажойиб хислати бўлади. Анча йиллардан буён Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Шермат ака Бегматов ҳақида ёзишни ўйлаганимдаёқ дастлаб шу фикр кўнглимдан кечди.

Касаба уюшмаларида ЭЪЗОВ ТОПИБ

У касаба уюшма соҳасига ишга келгунча анча-мунча ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ота-онани фарғоналик бўлиб, ўтган асрнинг олтинчи йилларида Мирзачўлни ўзлаштириш учун кўчиб келган оилада — Сирдарёнинг Ховос туманидаги «Боёв» совхозига унинг-ўси. Отаси мактабда адабиётдан дарс берарди. Ҳозир пенсияда бўлган Нурмат бобо уруш бошланмасдан олдин ҳарбий хизматга қақчиланди. Шунинг учун 6 йил хизмат қилган. Ониси совхоз даласида ишларди. Шермат ака оиладаги уч ўғилнинг кенжаси эди. Узи Мирзачўлда улғайган бўлса-да, қалбида катта-катта шаҳарларга бориб ўқиш ва ишлаш орузи бор эди. 1967 йили мактабни битирган, Тошкентга бориб, тақимачилик институтига ҳужжат топширди. Аммо ўша йили омади чопмади.


бўлимига қарашли фуқаро иншоотлари қурилиши ташкилотига ишга ўтди. Кейинчалик ҳам Олим Одилов Шермат акани ўғлидек кўриб, кўп меҳр-оқибат кўрсатди, ҳар соҳада жўяли маслаҳатлар берди. Қурилиш ташкилоти бошлиғи Наби Рихсиевдан ҳам иш ўрганди, йўл-йўриқлар олиб турди. Кечки бўлимда ўқишнинг ўзи бўлмасди. — Кечки соат олтида ишдан чиқиб, ювенил-тараниб, соат етти яримда бошланганидан ўқишга чопардик, — дейди у ўша пайтларни эслаб. — Икки пара дарс бўларди. Гоҳо чарчаб келганимиз билиниб, дарсда ухлаб ҳам қолардик. Домла сўраса, «Бугун иш оғир бўлди» деб очигини айттардик. Талабалик қийинчиликлари ортада қолди. 1973 йили институтни битириб, йўлнамалар билан Тошкент кўн-мўйна завоидига келиб, меҳнатни ва иш ҳақини меъёрлаштириш бўлимида иқтисодчи-муҳандис бўлиб ишлаш бошлади. Бу ерда ишдан ажралмаган ҳолда бўлим касаба уюшма кўмитасининг раиси бўлиб ҳам ишларди. 1978 йилда Ўзбекистон темирйўлчиларининг соғлиқни сақлаш хизматига катта тафтишичи бўлиб ишга келди ва шу-шу яна темирйўл соҳасида ишлаб кетди. Кейинчалик компания молия хизматининг тафтиш ва назорат бўлимида катта тафтишчи, Тошкентдаги Жанубий вокзалда бош ҳисобчи, компания молия хизмати бошлиғининг муовини бўлиб ишларди. — Темирйўлда иқтисод ўзига хос бўлиб, халқ ҳўжалигига боғлиқ барча соҳани қамраб олган бўлади, — дейди Шермат Бегматов. — Масалан, ижтимоий соҳа-

лар, соғлиқни-сақлаш тизими, қурилиш, дам олиш, спорт, таълим муассасаларини. Иш юртида ва бошқаришда темир интизомга риоя қилинади. Бу гапларни айтган ва гапига ҳамisha амал қиладиган Шермат ака ҳам темирйўлнинг қай бўғинида ишлаганини, ҳамisha ишга сидқидилдан ёндашди. Натижада жамоасида обрў-эътибор топди. 1996 йилда барча жойлардаги назорат-тафтиш бошқармалари тугатилиб, бу вазифаларни жаҳон андозаси талаблари бўйича олиб бориш учун улар ўрнига аудиторлик фирмалари ташкил этила бошланди. Ушунда Шермат Бегматов «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК молия хизмати бошлиғининг ўринбосари эди. Шунда унга компания раҳбарияти аудиторлик фирмасини ташкил этиш вазифасини топширди. Шундан кейин унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Темирйўлаудит» ва «Магистр-аудит» фирмаларини ўзи бошқариб, 10 йил директор бўлиб ишларди. Бу фирмалар мустақил иш юритар, темирйўл корхоналаридан ташқари бошқа соҳаларга ҳам хизмат кўрсатар эди. 2004 йилда унинг ишида яна бир бурилиш юз берди. У «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК бошқарма касаба уюшмаси раиси лавозимига сайланди. Бу ишга ҳам тез киришиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, Шермат Бегматов Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосарлигига сайланди. Олти йилдири, бу вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. — Касаба уюшмасида ишлаган одам инсонпарвар, ўз корхонасида

ёки тармоғида ишлаётган ходимларга ҳамдард, бирор жабҳада қийналганда ёрдам бера оладиган бўлиши керак, — дейди қахрамонимиз. — Одамларнинг дам олиш ва соғлигини тиклашига ҳам катта эътибор қаратиш керак. Булардан ташқари, ишларни назорат қилиш, меҳнат шариитини яхшилашда йўл қўйилган камчиликларни тузатишга ҳам бош-қош бўласан. Шермат Бегматов ишда ўзи айтган бу гапларга тўқис амал қилиб келади. Темирйўлчилар дуч келган муаммоларни касаба уюшма фаоли сифатида тезда ҳал қилишга киришади ва бу ишлар баробарида бир иқтисодчи сифатида ҳамisha темирйўл иқтисодини кўтариш ҳақида гапириб юради. Темирйўл тизимидаги иқтисодни кўтариш учун, аввало, ноўрин харажатларни камайтириш, юкларни манзилга ўз вақтида етказиб бериш, ишчиларнинг меҳнат шариитини яхшилаш, ҳар бир ишни олдиндан пухта режалаштириш, корхонадаги қурилмалардан унумли фойдаланиш (уларга кетадиган электр энергияси, ёнилгининг ортиқча сарфига йўл қўймаслик) керак. Шермат Бегматов темирйўл соҳасидаги самарали меҳнати, ишдаги ташаббускорлиги учун 2005 йили «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК раҳбарияти томонидан ҳар бир темирйўлчи оруз қиладиган «Фахрий темирйўлчи» кўкрак нишони билан тақдирланган. Йиллар бир-бирини қувиб ўтаверар экан. Шермат Бегматов ҳам 60 ёшни қоралаб қўйибди. У ҳаётининг кўп қисмини темирйўлга бағишлаганидан, олти фарзандининг турттаси ҳам ота изидан бориб темирйўлчи бўлганидан мамнун. Биз ҳам унинг ишларига, касаба уюшмасидаги фаолиятига омад тилаб қоламиз.

Аҳдам ДАМИНОВ

Иш ўринлари бехатарлиги учун



Ходимларга соғлом ва ҳавфсиз меҳнат шариитларининг яратилиши ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунга риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолиятини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлов йўқазилиши эълон қилинган. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатида ушбу масала кўрилиб, жиддий назоратга олинган ўз самарасини берди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат назорати юзасидан 2008-2009 йиллар давомида олиб борилган ишларнинг натижалари бўйича «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган вилоят «Кўрик-танлов» якун-умумлаштириш комиссиясига 11 та тармоқ ва 2 та йирик корхоналардан келиб тушган ҳужжатлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Ушбу комиссиянинг 2010 йил 30 мартдаги мажлис қарори билан голлибар аниқланди. Уларни тақдирлаш ҳамда кўрик-танлов ўтказилишини янада кучайтириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этган 3 та касаба уюшма кўмитаси (Чирчиқдаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти, «Бекободцемент-мир» ва Ангрэн шаҳридаги 28-мактаб), 3 та касаба уюшмасининг комиссияси («Тошкент ИЭС» унитар корхонаси, «Олмалик ТМК» ОАЖнинг Марказий таъмирлаш механика заводи ва Чирчиқдаги «ДЕКА» МЧЖ) ва 3 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари («Янгийўл-ёғмой» ОАЖдан А.Шералиев, «Ўзметкомбинат» АИЧБдан Б.Саидов ва Оккупўрғон ТТБдан Х.Парпиева) Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг махсус дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Таш.УСМОНОВ, Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудир

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда фарқсиз ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоалари тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг раиси Роза Деҳқонов вага акиси Мурод ДЕҲҚОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

узган таканинг бир оёғидан ушлаб, тенг тортишдим. Бир-икки зот айирдим. Шу-шу, катта-кичик давраларда қатнашадиган бўлидим. Худога минг марта шуқур, ҳозир Луқмонжон ўғлим элимизнинг танимол чавандозларидан. Ақаси Рўзобойнинг Саман, Расул Раҳимовнинг Қорабайир отларида кўпқари чопаяпти. — Имомберди бобо зўр сингир отшунос, — суҳбатимизга аралашади Абдусалом домла. — Яхшиси бўёқдан от ёши, кўпқарига отни тайёрлаш сирлари, от касалликлари ва уни даволаш усуллари ҳақида сўранганлар. Имомберди бобонинг айтишича, от бир ёшда қулун, иккисиде той, учиде гунаун, тўртиде дўнан, беш ёшда от бўларкан. Дўнандан ўтганидан сўнг от тиш ташлаб, оғиз чиқарар, олтига кирганда жагининг тепа қисмидан икки тиш чиқарар, етти ёшда жавдонини (тишининг орасидаги бир арпа сифидан чўқурча) бир урар, ўн ёшда пастки тишидаги жавдонлар, ўн беш ёшда ҳамма жавдонлари тўларкан. Бўлар отнинг калласи кичик, гўштсиз, бели калта, бўйни узун, қулоқлари кичик ва икки қулоғи оралиғи кенг бўларкан. Орқа сони тик той яхши тулпор бўлиб етишар, тулки ва сарка сонли отлар унчалик улоққа ярамас экан. Умгани кенг отлар осонликча ён бермас экан. — Бўлар отнинг бурни ичиде утадан тўққизтагача холга ўхшаш тешик бўлади, бундай тулпорлар учқир ва топилмас саналади. Шу боис кексаларимиз шундай таърифлашган: Бўйни калта, бели узун чополмас, бели калта, бўйни узун топилмас, Бўйни узун, бели калта сотилмас... У қулоғингизга ҳам, бу қулоғингизга ҳам қўйиб олинганлар, бундай от камдан-кам туғилади, туғилгани ҳам сайсининг қўлига тушмасе чинакам тулпор бўлиб етишмайди. Етишгани нафақат эгасининг, балки қишлоғининг донғини ёяди, шу боис нобб, бебаҳо саналади. Умрим мобайнида йигирма-ўттиз отнинг нарҳига сотилган қанчалаб тулпорларни кўрдим. — Отни кўпқари мавсумига тайёрлашнинг ҳам сирлари борми? — Сизнингча дуч келган отни миниб кўпқари чопилавераркан-да, — деди Имомберди бобо «шуни ҳам билмайсизларми?» деган маънода ажабланиб. — Бу жуда узоқ давом этадиган, иниж қараён. Бокўвга олинмадиган от баҳор ойларида кўй қўтонга боғланиб, вақти-вақти билан кўк ўтга қўйилади, сўнг бундойик кўпроқ бўлган жойларга арқонлаш керак. Чунки бундойик от этини қотарида. Шундан сўнггина Бокўвга олинади. Бокўвдаги от устига ўрама жул ташланиб, кўёш тушмайдиған, баҳаво жойда сақланиши лозим. Саратонда қирқ кун арпа берилади, ора-орада арпага улоқ қони аралаштирилади. — Улоқ қони аралаштирилишининг сабаби нима? — савол беради кимдир сабрсизлик билан. — Агар гапимни бўладиган бўлсанглар, кексалик, адашиб қолишим мумкин. Ҳаммамиз бесабр шеритимизга норози нигоҳ ташлаймиз. Имомберди бобо чой хўллаб, бироз тин олганидан сўнг давом этади: — Улоқ қони аралаштирилган емни еган от кўпқарига кирганда таканинг ҳидини тез ажрим қилади, ем умидида даврани ёриб, унга яқинлашишга уринади. — Шу билан от кўпқарига тайёр ҳолга келади? — Узиям жуда бесабр экансиз-да, ука. Бу ҳали отни тайёрлашнинг бир босқичи, қирқ кун арпага тўйинтирилган от шунча муддат совутилади. Совутиш ҳам қисмларга бўлинади: — биринчи-иккинчи кунлари от эгарланиб, жилов эгарнинг қошига илдирилиб, тушолаб қўйилади; — ҳар кун белгиланган салқин вақтда отни бир киши миниб эллик метрдан, ҳафта давомида масофа қўшиб, бир километргача бориб келади, от югуришига йўл қўйилмайди; — бир ҳафтадан сўнг масофа тагин кўпайтирилади; — от қанча масофага бориб-келишидан қатъи назар саккиз соат ўтказиб сувланади; — шундан сўнг от ўпкаёл бўлиб, арриқлайди, тезга қотиб қумалоқ ташлайди, бу отнинг етилганидан дарак беради. — Эҳ-ҳей, отни тайёрлаш ҳам бир дунё ташвиш экан-да. — Ҳали бу ҳаммаси эмас, отни кўпқарига қўшгандан сўнг ҳам пала-партиш

минилса, йил бўйи тортган азобинг бир пул бўлиб қолади. — От касалликлари қандай пайдо бўлади дейсизларми? — «тоза саволларинг кўп экан-да» дегандек бироз жим қолди Имомберди бобо. — Бўлмасе эшитинглар: — отни совутмасдан кўпқарига қўшиб ёки чоптириш; — чарчаган пайти терини қотирмасдан сувлаш; — паррандаларнинг ахлатини истемол қилишига йўл қўйиб чавлаб қолишига, буйраги ишдан чиқшига сабаб бўлади. Айниқса, вақтидан олдин сувлашнинг оқибати ёмон, бундай пайтда отнинг оёғига, белига сув тушиб, ланг (чўлок) бўлиб қолади. Шунингдек, от кўп зўриқшдан ҳам сиёлмай қолиши мумкин, буни қавс касаллиги дейишади. — Демак, арзиманган бир эҳтиётсизлик туфайли тулпор ишдан чиқиб қолаверар экан-да? — Бу ўша от бошқа кўпқарига ярамайди дегани эмас, фақат бир йиллик меҳнатингга қуясан. Касалланган отни қайта кўпқарига қўшиб унун қуйидаги жараёни ўтказиш керак: — от батамом емдан озилди, арриқлатилади; — қайта кўк ўтга қўйиб олтидан сигир ёғидан гавдасига қараб 2-3 литр ичирилади, бу отнинг ичидеги ялғиланишдан пайдо бўлган қурумларни ҳайдайди; — кейин қўй қийдан олинган махсус ёғ отнинг сувлуғига суртилади, сувлуқни сўриш жараёнида отнинг ичига сўрилади ва ўпка, буйрагини, сув тушган бўғинларини доволайди. — Қўй қийда ёғ нима қилсин? — бепарво луқма ташлайди даврадошларимиздан бири. — Табиатда мавжуд бўлган нарсаларнинг аксариятида ёғ бор, фақат уни олишини йўлини билиш керак. — Масалан, қўйнинг қийдан қандай қилиб ёғ олиш мумкин? — Бунинг учун нам жойдан махсус ертандир қазилади. Тандирнинг тутуни чиқиб кетиши учун камида 6-7 метр узунликдаги кўрак ҳам қазилади ва кўрак йўлига ялпоқ тошлар ётқизилади. Шундан сўнг қўй ёқилиб, тандир ва кўрақнинг усти ёпилади. Бир кеча-кундуз тандирдаги қий бурқисиб ёнганидан сўнг усти очилиб, тошларга ёпишиб қолган ёғ қириб олинади, энди уни бемалол касал отни даволаш учун ишлатиш мумкин. — Кейин-чи? — Кейин кўпқарига тайёрлаш жараёнидаги тартибда кўк ўтга қўйилиб, саратонда камида икки ой қийздан ёпинчиқ қилиниб, отнинг устига ташланади. Шамол тегадиган жойдаги охурга икки томондан арқон билан боғланиб, арпа бериб боқилса, тегишли тартибда совутиб борилса от тагин улоққа кириб кетаверади. — Сайисликнинг ҳам ташвиши кўп экан-да. — Албатта, шу боис улоқ отларни ҳамма ҳам парваришлайвермайди. Ота-боболаримиз қавс касаллигини батамом баданидан чиқариб юбориш учун отни бўриткан (гулхор) атрофидан айлантиришган, чунки бу ўсимликда доволоччи хид бор, унинг мевасидан шарбат тайёрлаб ичиришган. Мана шу муложалар ўтказилгандан сўнггина от сиёган. Эскилар отмига кўз тегди деб отхонага булбул уясини қўшиб, исирик тутатишган. Кекса отчи билан гурунгимиз анчагача давом этади, биз Имомберди бобого қизқарли суҳбати учун қайта-қайта раҳматлар айтдик.

ҚУЛАЙ АЗИЗНИНГ ТАРЛОНИ

Кичикўрамизнинг машҳур чавандозларини сўраб келганларингиз зап иш бўлибди, — деди Имомберди бобо от ва унинг ҳусусиятлари тўғрисида гурунгимиз ниҳоясига етгач. — Лекин Қулай Азиз ҳақида озгина бўлса-да сўз юритмасангизлар, Терсоқар чавандозлари ҳақидаги битикларингиз кемтик бўлиб қолади. — У кишини қандай топсак бўлади? — Қулай Азизини, энди у чин дунёга кетган, биз юрибмиз ёлғин дунёнинг азобларини тортиб. Нурали, Чоршанбег деган уллари бор эди, уларам ҳозир Қашқадарё яшашади. Лекин сизларга маъқул бўлса, ўз билганларимни айтиб бераман. Отахоннинг таклифини Абдусалом ака қўллаб-қувватлади:

— Менам билганларимни қўшиб тураман. — Қулай Азизнинг зўрлиги шунда эдики, у бўлар отни тойчоқлигида бир қараганданок биларди. Машҳур Тарлон отини қулунлигидан ўзи тарбиялаганди. Тарлон от икки ўшгача кўмитир, ҳар-ҳар жойида сарғиш холлари бўлади, икки ёшида холлари бодом гулига ўхшайди. Хуллас 1950 йили шу отни Тераклида Менглиқул бобо баковуллик қилган тўйда биринчи марта кўпқарига минди. Меҳмон чавандознинг такани тақимлаб чиқавериши баковулга ёқмади, ахир ҳамма ҳам ўз эли чавандозлари голиб булишини истайдиди-да. Шунинг учун турли бахоналар топиб Қулай Азизнинг айрган зотларини бердирмади. Урлик чавандоз халқининг қонида бўлади. Қулай Азиз ноҳақликча чидай олмайди, Менглиқул бобого қўлини паҳса қилиб: — Сиз қўлингиздан келганини қилинг, аммо бош совринни бахона топмайдиган этиб айираман, — деди. — Ана Алининг ол майдони, кўрамиз, — деди Менглиқул бобо энсаси қотиб. Қулай Азиз айтганининг устидан чиқди, аммо Менглиқул бобо ҳам билганидан қолмади, унинг икки марта ҳалол айрган такасини инобатга олмади: — Бўш келманг, чавандозлар, Тарлон от зотни ажрим қилолмади, байроқ ерда қолди, — деди. Қулай Азиз баковулнинг қасдига учинчи марта ҳам такани сурдақдан қалаб чиқди. Шу пайт газада ўтирган оқсоқоллар: — Ҳой, Менглиқул, инсофнинг борми, нега чавандознинг меҳнатини куйдирсан? Отиям от, ўзиям мард экан, — дейишди. Баковул ноилож Қулай Азизнинг зотини бердирди. ...Лангаротадаги даврада Бойбўл чавандознинг ака-укалари Қулайни четга тортиб: — Оғайни, ҳамма зотни бир ўзинг айирма, бизларам умид билан келганмиз, — дейишди. Қулай Азизнинг жавоби томдан тараша ташлагандек бўлди: — Қачондан бери кўпқарида зот қилишиб айриладиган бўлди, ана ўзларингнинг майдонда кўрсатинглар, мен қўларингни ушлаб турганим йўқ. Қулай билан «чумчуқлари чириллашмаган» ака-укалар элдидингга бориб, фирромлик йўлига ўтишди. Гоҳ унинг атрофини ўраб, такани кўтаришига халқит қилишса, гоҳ баковулни ўртга қўшиб ҳалол айирган зотларини бердиршмади. Шундай бўлса-да Қулай олти совринни олди, шунда Бойбўл чавандоз оти устида кўрагини кериб ака-укаларига ҳам, баковулга ҳам танбех берди: — Зўрнинг зўрлигини билмаган худонинг бирлигини билмайди, ҳалолли бўлсин, илоб билаги бундан ҳам кучга тўлсин... ...Кўкбулоқ туманининг (ҳозир бу туман тугатилган) ҳосил тўйи Дарёбодда бўлди. Майдонда 600-700 чамаси от бор эди. Туман қаттаси Мамат Аҳмедов бош зот ташланганида: — Шу совринни ким олса, устига бир тонна арпа берилади, — деб эълон қилдириди. От устига от ўйнади, чавандозлар бир-бирини пойлади, юрагида ўти борлар бош совринни ўзиники қилишининг чорасини излади. Бир пайт: — Улоқ кўтарилиди, улоқ кўтарилиди, — деган гивир-шивирлар эшитилди. Қарасак Қулай Тарлони билан чавандозлар даврасини ёриб келаяпти, тўнга ҳайт деган мадад, бизам ўтирган жойимиздан уни олқишладик: — Бўш келма, Қулай! — Тақимингни мустаҳкамла! Шу пайт кўз қўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй берди, Тарлон тақимига такани босган чавандоз билан баланд жардан ўчди. Даврадагилар каттиқ оҳ тортишди: — Тамом, энди чавандоз ҳам, отиям омон қолмайди. — Бечора кўзга яқин йигит экан. Орадан бироз вақт ўтиб, жарликнинг ёнама томонидан отини қичаб, такани қучоғига босиб келаятган Қулай Азизни кўриб ҳамма бараварига: — Ҳалол, тарлон отники ҳалол, — деб қий-чув кўтарди. Оқсоқоллар эса: — Уккағарнинг тумори бўрининг бойлигидан, от эгарининг орқа-олдидегиси седанандан экан, кўз-суқлар ҳам зиён етказолмайди, — дейишди. (Давоми бор)

Яна бир «Чимён» бор

Мусаффо тонгни қаршилаб, тоғнинг у ёғидан кўёш, бу ёғидан сиз аста кўтариласиз. Гардсиз осмон оқара бошлайди. Қулочингизни ёзиб тонгни мусаффоликдан баҳра olasиз. Габриел Гарсия Маркес ўзининг инсониятга атаб ёзган сўнги мактубида: «Тангрим менга яна озгина умр берганида оддийгина кийинардим, кўёшнинг илк нуридан уйғонардим, танамни, қалбимни офтобга берардим», деб ёзади. Кўёш билан уйғониш ҳам Оллоҳнинг инсонга берган иноятидир.

Чимён тўғрисидаги ривоятга қулоқ тутамиз. Қишлоқ қарияларининг айтишича, шоир Хўжаназар Фойибназар Уғли Хувайдо (1704-1780) ҳазратлари човғун остига бир тутам қуриган чим қўйиб «ён», деганида чим ёниб чой қайнаган экан.

Фаргона водийсидаги Республика темирйўлчиларининг даво олиш ва даволашни «Чимён» сихатгоҳи Помир-Олой тоғларининг бир қисми бўлмиш Қатрон тоғ этакларида туташиб кетган.

Сихатгоҳ 200 ўринли, асосий даволаш омили олтингуртлӣ сув маъдани. Унинг 1 литрида 330 миллиграмм яқин водородли олтингурт бор. Бу шифобахш сув юрак ва қон томир тизимлари касаллиги, ҳаракат ва таянч аъзолари, асаб, ошқозон-ичак тизими, жигар, буйрак, ўт пуфаги, сийдик йўллари, аёлларнинг жинсий аъзолари, урология, танани ҳар хил хилтлардан тозалаш, қабзи-

ятни юргизиш ва бошқа қатор хасталиқларни даволаш хусусиятига эга. Сихатгоҳда замонавий физиотерапия муолажалари, юқори ва паст частотали электр токи, ёруғлик нури, ионлаштирилган ҳаво, содални ингалляция билан даволаш юқори малакада амалга оширилади. Даволаш физкультураси, уқалаш, шам, озакерит, шунингдек, игна билан даволаш ҳам самарали йўлга қўйилган.

Даволаниш масканига одамлар даво истаб узоқ-яқиндан келишади. Темирйўлчиларнинг «Чимён»ига қадам қўйишингиз билан ходимлар юзидаги табассумдан кайфиятингиз кўтарилади. Хоналар, бўлимлар қанча шинам бўлмасин, у ернинг файзи шун эрда даво берувчилар кайфияти, муомаласи билан зийнатлидир. Маскур сихатгоҳнинг яна бир устунлиги, даво берувчи ходимлар ҳар бир беморга меҳр билан муомала қилишидир.

Ҳар қандай даволаниш ҳам тўғри ва сифатли овқатланишга боғлиқ. Сихатгоҳнинг 200 ўринли маҳобатли, кўркам

ошхонасида 2 сменада мазали овқатлар тановул қилинади.

Қишлоққа кўрк солиб турган сўфий шoirимиз Хувайдо зийратгоҳига сихатгоҳ ходими билан бирга бордик. Шоирнинг баландда маҳобатли, музейян мақбарасига кўтарилаётгани, бу сўлим қишлоқ аҳлининг авлиёсифат шоирига бўлган меҳрмуҳаббатига, ихлос-эътиқодига қўйил қолдик. Мақбаранинг нақшин дарвозасини таърифлашга тил ожиз. Шоирнинг олтинчи авлоди бўлмиш Улма махсум фахр билан:

— Бу дарвозани темирйўлчилар сихатгоҳининг аввалги бош ҳақими Мадамин Аҳмедов ясаб берган, жойлари жаннатда бўлсин, — деди.

Шоирнинг шинамгина уй-музейига кирдик. Ҳазрат девони, қадимий ёзувлар ҳаёлларни мозийга судрайди. Умуман, бу ердаги ҳар бир нарсаси аста-секинлик билан ҳам руҳингизга, ҳам жисмингизга қувват бераётганини ҳис қила бошлайсиз.

Комил АВАЗ Фаргона, «Чимён» сихатгоҳи



Пастдаги Чимён қишлоғи сахардан уйғоқ. Келинчақ қизлар худди баҳслаётгандай сув селиб, супуриб-сидиришмоқда...

Чимён қишлоғи денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган, биз — даволанувчилар чиқадиغان чўққилар камиди яна 300 метрча бор. Демак, денгиз сатҳидан 1000 метрдан зиёд жойга кўтарилар эканмиз.

Тасвирий санъат

Гулдара мусаффо хавоси, шаффоф булқулари, тақрорланмас манзаралари билан ажралиб турадиган ўзига хос кишлоқ.

Гулдаранинг гуллари

Қишлоқдаги 57-мактаб ўқувчилари томонидан яратилган тасвирий санъат асарлари кўргазмасини кўриб ҳайратланасиз. Мўжизакор табиат манзараларини акс эттирган ёш мўйқалам соҳибларининг истеъдодига юксак баҳо берасиз.

— Бир неча йил муқаддам иқтидорли педагог Шоқир Ражабов раҳбарлигида «Ёш rassomlar» тўғраги ташкил топганда, — дейди Яқкабоб туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Хўжакул Ҳайитов, — Дастлаб 21 нафар ўқувчи билан иш бошлаган тўғрак аъзолари сони бугун тўрт баробарга кўнайди. Уни алқаб «Кичик академия» деб ҳам аташди. Тўғрак қатнашчилари туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бундан олти йил муқаддам туман халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган кўргазмада Улфат Исमतов, Хасан Эгамбердиев совриндор бўлган бўлса, «Ўзбекистон келажиги менинг тасаввуримда» мавзусидаги республика танловида Мақсуд Каримов, 2008 йилда мамлакат миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон мустақил дийр» тасвирий санъат танловида Сардор Абдураҳмонов, «Ер кўрасида тинчлик» йўналишидаги танловда Фаррух Зокиров ҳамда Хондамир Холиқов биринчи ўрин соҳиблари бўлгани қувонардир.

— Шоғирдларимнинг кўпи Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети санъат факултети, Камолдин Бехзод номи Миллий рассомчилик ва дизайн институти ҳамда республика рассомчилик коллежининг талабаларидир, — дейди Шоқир Ражабов. — Улардан келажикда машҳур рассомлар етишиб чиқишига ишонаман.

КИТОБ БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Қаршидаги Сайидо Насафий номи вилоят ахборот кутубхона марказида «Китоб бизнинг дўстимиз» мавзусида китобхонларнинг қашқадарёлик ижодкорлар билан учрашуви ҳамда янги китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. Учрашув қизгин савол-жавоблар асосида ўтди.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Шароли ҳовли

Челак қўғонида яшовчи Равил Камолов исми бу инсонни ҳар тонгда йўлак четдаги «жонли девор» ва гулзорларнинг гарду губорларини сув пурқаб юваётган, деворгулга гулқайчи билан шакл бераётган ҳолда кўриш мумкин.

Ишга ва ўқишга кетаётганлар ҳушбуй ифор таратаётган қирган қаршида тўхтаб, ям-яшил, япроқлар орасидан жило бериб турган турфа гулларга боқиб завқланишди. Уларнинг муатари бўйидаги ўйиб-тўйиб нафас оладилар. Гўзаллик шайдоси Равил акага таълим айтдилар. Ҳа, ўзи яшаган ҳовли, кўча ва маҳаллани «меники» деб қараган инсонгина ана шундай хайрли, эзгу ишларни амалга оширади. Зеро, гўзаллик завқини туйиш ҳам тенгсиз бахт.

Равилнинг ҳовлиси бамисоли жаннат. Орастига ҳовли саҳнида сирен, канна, астра, хризантема, кўкчонгул, намозшомгул, шойиғул, гулсафсар, бир неча рангдаги лопалар мавжуд. Бу ҳали ҳовла. Супа четдаги ағор туллари гулласа борми, ана унда кўриниб бу ерларни! Олма, шафтоли, ўрик ва гилос қайи мевали дарахтлар гулларга соя солмаслиги учун улар дид билан жой-жойига қадаб

қўйилган. Хуллас, гуллар ифори тўлган ҳовлига кирган киши туйиб-туйиб нафас оларкан, ўзида руҳий бардамлик, аъло кайфияти ҳис этади. Равил Камолов Пайариқ туманидаги Ўзи жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаётган 80-умумтаълим мактабининг футбол, баскетбол майдонла-

Эзгу амаллар

рининг ободлигини айтмайсизми! Туман миқёсидаги турли мусобақалар ана шу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Унинг ташаббуси билан Челак шаҳар истироҳат боғи, Дўстлик қабристони йил сайин ободлашиб, кўркамлашиб бормоқда. Ҳа, унинг барча ишлари эзгуликка дахлдор. Шу боис қайи мевали дарахтлар гулларга соя солмаслиги учун улар дид билан жой-жойига қадаб

лик» кўчасига кўчабоши қилиб сайлашган. Маҳалла аҳли унинг ишларига ҳавас қилиб эзгу ният билан ҳузурга келишади. Саховатпеша Р.Камолов уларни турфа гуллар уруги, гул кўчталари, гул ва «жонли девор» қаламчалари билан сийлайди. Уларни қайси мўддатда экиш, парвариш, уруғ олиш, қаламчалар тайёрлаш каби сирсиноатларини тушунтиради. Зарур вақтда бу ишларни бажаришда ўзи ҳам бош-қош бўлади.

Қанийди, барча Равил Камолов эзгуликка интилса. Зотан, улуг болқор халқ шоири Қайсин Қулиев айтганидек: «Агарда ҳар бир инсон ўзи ширин турган бир парча ерда бир туп кўчат экса эди, ҳақон жаннатга айланган бўлар эди».

Сирожиддин МУСАЕВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, меҳнат фаҳриши

СПОРТ салтанатида

Яқинда Наманган вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси кенгаши томонидан Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги ва «Баркамол авлод йилли»га бағишлаб IX анъанавий «Саломатлик спартакиадаси» ўтказилди.

Саломатлик спартакиадаси

Стритбол, стол тенниси, шахмат, шашка, армрестлинг ҳамда арқон тортиш бўйича мусобақаларда умумжамоа ўртасида муваффақиятли қатнашган Чуст тумани 1-, Янгиқўрғон тумани 2- ва Поп туман соғлиқни сақлаш ходимлари 3-ўринларга сазовор бўлиб, вилоят кенгашининг 1-, 2-, 3-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

Фулом ЮСУПОВ, «Ishonch» мухбири

Майдонда — аёллар

Ўзбекистон ёкили-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакиллиги ташаббуси билан аёллар спартакиадаси ўтказилди.

Нефт ва газ sanoati касб-хунар коллежи спорт майдонларида ўтказилган тадбирда 130 нафардан ортиқ иштирокчи волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва енгил атлетика бўйича баҳслашди.

Яқинда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрини нефт ва газ sanoati касб-хунар коллежи, иккинчи ва учинчи ўринларни «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоалари эгалладилар.

Ғолибларга вилоят вакиллигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РАҲМОНОВА, Тармоқ кенгашининг Бухоро вилояти вакиллиги ташкилий ишлар мутахассиси



Баркамол авлод йиллига бағишлаб, соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан тиббиёт ходимлари ўртасида минн футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

Тошкент тиббиёт академияси спорт мажмуасида ўтказилган мусобақанинг очилиш маросимида тармоқ қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Гузал Тохтаева ушбу спорт тадбирини ўтказишдан мақсад соҳа ходимларини ўз соғлиқларига эътиборли бўлишга тарғиб этиш эканини таъкидлаб, иштирокчиларга муваффақият тилади. Тадбирда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган олтинча жамоа Узаро беллашди.

Қизгин кечган баҳслар натижасига қўра, биринчи ўрин Уртачирчиқ жамоасига насиб этган бўлса, Қибрай иккинчи, Зангиота ва Бекобод учинчи ўринга сазовор бўлишди. Шунингдек, қатор номинишлар бўйича ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Акмал ЭРГАШЕВ

Хотира турнири

Умрини ҳамият равнақи йўлида сарфлаган, ўзидан яхши ном қолдирган инсонларни хотирлаш эзгу фаилатлардан биридир.

Касби тумани Ойбек номидаги мактабда мактабининг собик директори, ушбу таълим муассасасининг очилишида бош-қош бўлган марҳум Исо Каромовнинг хотирасига бағишланган турнир ўтказилди. Унда ўқувчилар спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалашди. Ғолибларга мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди. Тадбир якунида қатнашчиларга ош тортилди.

Ўз мухбиримиз



Кўнгилини ва умрни яшнатадиган бойлик

қорлик, чопондўзлик, асаларчилик каби хунарлар ривожлантирилиб, ёшларга ўргатилаяпти.

— Бугунги кунда хунарларнинг такомиллашиб бориши тўқин-сонлиқни таъминлабгина қолмай, ёшларни меҳнатга, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатади, — дейди «Оқтепа» МФЙ раиси биз билан сўзлашди.

Нурали Қурбонов ҳамда Хусен Ниёзов саъй-ҳаракати билан маҳаллада дурадгорчилик ҳамда меҳнатчилик ташкил этилди. Ҳозир эшик, дераза ва бошқа меҳнатчи эҳтиёжи бўлганлар шу ердан сифатли, арзон буюмлар харид қилаяпти.

Зокир Нейматов ва унинг шоғирдларини хатто узоқ-узоқлардан сўроқлаб келувчилар ҳам талайгина. Фаррух Барноев, Шамшод Нейматов ёш бўлишига қарамай, темир маҳсулотларини миллий ва замона-

Чотқол қўриқхонасининг хушманзара табиати қўйнида жойлашган «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

2010 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўланмалар сотади. Соғломлаштириш мавсуми 4 сменадан ташкил топган. Ҳар бир смена 15 кундан иборат. Мавсумнинг бошланиши — 15.06.2010 й. Йўланманинг баҳоси — 168000 сўм. Қўйиматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлар қиради. Йўланмаларини улгуржи баҳоларда олувчиларга чегирмалар мавжуд. Манзил: Собир Раҳимов тумани, Ғалаба-1. Тел: 248-15-01; 248-10-03

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of staff members like Muassis, O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, Bosh muharrir, and Tahrir hay'ati.